



ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА МОТИВАЦИЯНИНГ ЎРНИ

*Ахмедова Гулизебо Якубовна,
СамДЧТИ магистранти*

Калит сўзлар: чет тили, мақсад, мотивация, ташқи ва ички мотивация, табиий усул, субъект, объект, эҳтиёж, стратегия, машқ.

Қадим замонларда тилларни ўқитиш тажрибаси қаторидачет тилларни ўқитиш тарихи ҳам кўп асрларга бориб тақалади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, чет тилларни ўқитиш методологияси тарихи билан қатор олимлар шуғулланганлар ва чет тилларни ўқитишда турли хил усуллардан фойдалаганлар. Шундай етакчи тадқиқотчилардан бири И.В.Рахманов таъкидлаганидек, “Чет тилини ўқитишнинг энг қадимий ва шу билан бирга энг содда усули бу “табиий усул” дир”[4].

Ўқитиш тарихи давомида услублар бир-биридан мустасно ва бир-бирини тўлдирган ҳолда ўзгарган бўлишига қарамасдан, машҳур педагоглар: Я.А.Коменский, И.Г.Песталоци ва А.Дистервеглар томонидан ишлаб чиқилган услубларда бу жараённинг мураккаблиги ва кўп компонентли эканлиги тўғрисидаги фикрлар бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир. А.Дистервегнинг фикрига кўра, ўқитиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ўқитиладиган шахс, талаба-субъект;
- 2) ўқитиш ва ўрганиш -бу ўқув предмети;
- 3) ўқувчи жойлашган ташқи шароит, вақт, жой ва ҳ.к;
- 4) сабоқ берувчи- ўқитувчи [2].

Чет тилларни ўргатиш жараёни билан боғлиқ масалалар юзасидан мамлакатимизнинг етуқтилшунос олимлари: А.Абдуазизов, Ж.Бўронов, Ж.Жалолов, А.Бушуй, Ш.Сафаров ва ҳоказоларнинг олиб борган илмий тадқиқотлари Ўзбекистонда чет тил ўқитиш методикаси илмий мактабининг шаклланишига хизмат қилди.

Ж.Жалолов, нима учун чет тили мактабда ўқитилади?— деган саволга, чет тилни амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда ўрганадилар деб жавоб қайтариш мумкинлигини таъкидлаган.

Чет тилини амалий мақсадда ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборот олиш ва бошқаларга етказиш маъносини англатади. Таълимий мақсадда чет тилини ўрганишнинг ўқувчи мантикий тафаккурини баҳоли кудрат ривожлантиришга ва хотирасини яхшилашга ҳамда уларнинг билим савияси ва умумий маданиятини кўтаришга нафи тегади. Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишдир. Таълимнинг тўртинчи мақсади “ривожлантирувчи мақсад” тушунчаси ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки) тарафини ривожлантиришни ифодалайди [1].

Хорижий тилларни ўқитишда нафақат ўқитувчининг касбий маҳоратини, балки талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, хусусан, уларнинг қизиқишларини, эҳтиёжларини, интилишларини, иштиёқларини ва бошқа омилларни ҳам эътиборга олиш муҳимдир.

Ҳозирги замон руҳшунослари ва педагоглари ягона фикрни, яъни фаолиятнинг сифати ва натижаси, биринчи навбатда, шахснинг иштиёқи, яъни мотивациясига боғлиқ эканлигини эътироф этишади. Зеро, айнан мотивация мақсадга эришишнинг турли усуллари ва воситалари учун туртки бўлади.



Мотивация инсоннинг барча фаолиятини хусусан, меҳнат ва билимини ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади. Мотивацияни аниқ, ҳақиқий ва якуний муваффақият қўллаб қувватлаб туради. Муваффақият бўлмаса, мотивация йўқолади ва ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Чет тилини ўрганишда ўқувчининг ички кечинмалари (эмоцияси) ва ички турткиси (мотивацияси) ни рўёбга чиқариш муҳим эканлиги назарий асослаб берилган. Агар ўқувчининг мотивациясини оширсак, ўқув жараёни тўлақонли мазмун касб этади.

Сўнги пайтларда руҳшуносликда мотивациянинг икки турини ажратиш одатий ҳолга айланди. Улар ташқи ва ички мотивациялар бўлиб, ташқи мотивация рағбатлантириш ва жазолашга асосланади, ички мотивация эса ҳеч қандай ташқи омилларсиз инсоннинг ички руҳиятидан келиб чиқади. Шакл-шубҳасиз, шаклланган мотивация ҳар бир талабанинг чет тилини ўзлаштиришдаги фаоллигини белгилаб беради. Америкалик психолог Л. Якововичнинг фикрига кўра, чет тилининг учдан бир қисмидан кўпроғи ўрганиш ва ўрганишга бўлган иштиёққа боғлиқ [3].

Агар талабада ички мотивация устунлиги кузатилса, унда у тилни ўзлаштириш учун энг муҳим қадам ташлаганига амин бўлиш мумкин. Талаба ўқиш ва тинглаш учун материалларни ўзи танлайди, яъни, у чет тиллари орқали ўз мақсадларини ифода этишга ҳаракат қилади. Эҳтимол, битта фанни ўзлаштиришдаги муваффақият бошқа фанларни ҳам янада пухта ўрганишга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Методик манбаларда ички мотивациянинг уч тоифаси маълум:

1) истиқболга оид (чет элга бориш, тилни ўз иш фаолиятида қўллаш);

2) яқин келажакка тегишли (кечалар, конкурслар, олимпиадаларда иштирок этиш, деворий газетага мақолалар тайёрлаш);

3) муаллим топширигини бажаришга қаратилган мотивация бўлади.

Охиргисини шартли равишда яқин мотивация дейиш мумкин. Дарс вазибаларини бажаришда мотивация муҳим аҳамият касб этади [1].

Чет тилини ўқитишда турли хил мотивация усуллари мавжуд, яъни қизиқишни ошириш йўллари, масалан, талабанинг қизиқишини инobatга олган ҳолда ўқув курсини ташкил этиш, қизиқарли материалларни танлаш, индивидуал ўқув йўлини вужудга келтириш ва бошқалар. Бакалаврият босқичида, талаба эндигина институтга ўқишга кирганида, янги жамоа ва шароитларга мослашиши учун унга муайян вақт керак. Шу вақтда талабанинг ўқишга бўлган мотивациясини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни муҳим роль ўйнайди. Маълумки, чет тилини ўрганишгача бўлган ёки уни ўрганишни бошлаган даврларда талабада одатда, ташқи иштиёқ таъсири кўпроқ бўлади. Секин-аста, мослашув жараёни якунлана борган сари, талабанинг ташқи мотивацияси ички мотивацияга айланиб боради. Ҳар қандай талаба ўз тенгдошлари билан хорижий тилда мулоқот қилишни, қўшиқлар куйлашни, четдавлатлар ҳақида ўқиб ўрганишни хоҳлайди. Кўпчилик чет тилини ўрганиш жараёнини романтик “саргузаштларга бой” яъни, янги нотаниш дунёни кашф этгандек ҳис қилишади. Умуман айтганда, аксарият одамлар чет тилида гаплашишни, тўғридан-тўғри мулоқот қилишни хоҳлайдилар.

Баъзан, чет тилини ўрганиш жараёни эндигина бошланган пайтда кўпчилик талабаларнинг муносабати ўзгариб қолади, яъни иштиёқи сўниб қолади. Чунки янги тилни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, улар режалаштирган мақсадларга эришишга гўё “ҳалакит” беради. Натижада, қизиқиш сўнади, фаоллик йўқолади, чет тилини ўрганишга қаратилган иштиёқи сусаяди, умумий ишлаш қобилияти пасаяди, бу эса ўз навбатида, ўзлаштиришга салбий таъсир қилади ва хоказо. Бундай ҳол мактабда ва олий ўқув юртларида чет тилини ўрганиш



билан боғлиқ кенг тарқалган муаммодир. Бундай вазиятда: мотивациянинг сусайиши унинг салбий оқибатлари объектив жараёнми ёки ўқитувчи шахсига ва бошқа ташқи омилларга боғлиқми? дейилган савол туғилади.

Аммо, талабалари чет тилларини мукаммал ўрганган тажрибали ўқитувчиларнинг иш фаолияти бундай саволларга ойдинлик киритиши мумкин. Юқорида мотивацияни чет тилини ўрганишдаги муҳим омил деб таъкидланганидек, у талаба субъектив дунёсининг жиҳати ҳамдир, яъни ҳар қандай фанни ўзлаштириш авваламбор, унинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари туфайли юзага келади. Ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги роли билвосита бўлиб, ўқувчилар учун олдиндан қулай шароитлар яратиб бериши ҳамда ўқувчиларда шахсий қизиқишларни уйғотадиган заминни вужудга келтиришга ёрдам бериши мумкин.

Тил ўрганиш жараёнида ўқитувчилар ўқувчиларнинг қизиқишини қўллаб-қувватлашлари, диққат билан тингланадиган қизиқарли машғулотларни режалаштиришлари ва яратишлари зарур. Ўқитувчилар тил ўрганишда ёрдам берадиган стратегияларга эга бўлсалар, бу уларнинг келгусидаги иш фаолиятларида ҳам ёрдам бериши мумкин. С.Бенкареф ўқитувчилар томонидан қўлланиладиган ушбу мотивацион стратегияларнинг айримларини санаб ўтган. Улар куйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи дарс жараёнида ижобий муҳитни яратиши ва хавфсиз иқлимни таъминлаши керак;

2. Ўқувчиларга ўз жамоасининг кадрли аъзоси эканлигини ҳис қилишга ёрдам бериши ва ўқувчиларни ўзларини қандай баҳолашга ўргатиш;

3. Ўқувчиларга унча осон бўлмаган ва ўта қийин бўлмаган вазифаларни бериш, ҳамда уларни муваффақиятли бажаришлари учун имкониятлар яратиш;

4. Ўқувчиларга таълим мақсадларини ривожлантиришга қаратилган манбаларни танлашда кўмаклашиш;

5. Дарс жараёнидаги мавзуларни ўқувчилар ҳаёти, уларнинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлган амалий машғулотлар билан бойитиш;

6. Ўқув машғулотларида қатнашмайдиган, мотивацияси пасайган ўқувчиларга, баъзан, улар ўқиб ўрганишни истайдиган мавзуларни танлашни таклиф этиш[5].

Ўқувчиларнинг мотивациясини оширадиган мукаммал формулани, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг билим ва хоҳишларини инобатга олган ҳолда юқоридаги мотивацион стратегияларни қўллаш орқали яратиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларнинг муваффақиятини амалга оширадиган янги мотивацион ғоялар устида изланишлар олиб бориши, унинг педагогик маҳорати ва салоҳиятини оширишга замин яратган бўлади.

Ҳозирда чет тилларни ўрганишда ўқувчилар гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини мукаммал эгаллашни хоҳлайдилар. Бундан бир неча йиллар давомида чет тилини ўқитишда асосан, дарс жараёнида матнларнинг таржимасига кўпроқ эътибор қаратилган. Бу эса ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ривожланишига тўсиқ бўлган. Ҳолбуки, дарс жараёнида оғзаки нутқни ривожлантириш кўплаб педагогларнинг олдида турган муҳим масаладир. Улар турли хил машқларни дарс жараёнида қўллашни тавсия этдилар. Зеро, бу машқлар нафақат ўзлаштириши яхши, балки айнан мотивацияси суст ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш учун ҳам самаралидир. Шундай машқлардан бири “Round Robin” дарс жараёнида қўлланилиши мумкин. Синф ўқувчилари кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда беш нафар ўқувчи бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларга вазифа сифатида ўқилган асарни бешта (агар гуруҳда олти в.х бўлса) гап билан умумлаштириш берилади. Гуруҳдаги биринчи ўқувчи биринчи гапни ёзади, кейин эса ўқувчилар қолган гапларни навбатма-навбат ёзишади. Вазифа сўнгида ҳар бир гуруҳда бештадан умумлаштирилган гаплар бўлиб, гуруҳдаги



хар бир ўқувчи бу вазифанинг бажарилишига ўз хиссасини қўшган бўлади. Хар бир гуруҳ ўзларининг умумлаштирилган гапларини бошқа гуруҳларга муҳокама учун топширишади. Гуруҳлар бир-бирларининг бажарган вазифаларини кўриб чиқишади ва энг яхшиси танлаб бунинг сабабини кўрсатишади. Агар кичик гуруҳлар иштирокчилари танлаш натижасида ўзаро келиша олмасалар, турли хил гуруҳларнинг энг мазмунли, савияли хулосаларидан ўзлари учун танлаб олишга рухсат берилади. Бундай машқ мотивацияси сусти ўқувчиларга хар томонлама фойдалидир. Яъни, ўқувчи бир вақтнинг ўзида ҳам гуруҳда, ҳам якка тартибда вазифани бажаради. Ўқилган асар юзасидан у ҳам муайян фикр билдириб, гуруҳда ўз ўрнига эга эканлигини хис килади [8].

Кўпчилик педагогларнинг фикрича, ўйин тарзида бериладиган машқлар ҳам ўқувчиларнинг мотивациясини, яъни қизиқишларини орттиришга сабаб бўлади. Хорижий педагоглар Саундерс ва Круколларнинг фикрича, агар янги тилни ўрганиш жараёнида ўрганувчи қийинчиликларга дучор бўлса, айнан ўйин шаклида ташкил этилган вазифалар катта самарага эгадир. Ўйинли машқлар жараёнида ўрганувчи хато қилишдан кўркмайди, бу эса унинг мотивацияси ошишига туртки бўлади [7].

Бирок тилни ўрганишда кўнгилочар, рақобатлашадиган анъанавий ўйинларни ўйнаш назарда тутилмайди. Тилни ўрганишда фойдаланиладиган ўйинлар айнан бир мақсад, яъни тилни ўрганишга қаратилган ўйинли машқлар бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, реал ҳаётни ўз ичига олган **“Role-play”** машқлари туркумига кирувчи **“TV Discussion Panel Role Play”** ўйин машқи ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган. Бу машқда синфдаги барча ўқувчилар қатнашишлари мумкин. Ўқувчиларга ўзлари хоҳлаган машхур киши бўлиш танлови берилади.

Ўқитувчи телекўрсатув бошловчиси бўлиб, ўз кўрсатувида ўқувчилари танлаган машхур шахсларни таклиф этади. Телебошловчи меҳмонларга муҳокамали мавзудаги саволлар билан муурожаат қилади. Масалан, сиз атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида нима дея оласиз. Хар бир иштирокчи берилган саволга жавоб беради. Ўқувчилар саволларга ўзлари танлаган машхур шахс характери юзасидан ўзжавобларини беришлари мумкин. Бу жараёнда ўқувчилар янги мавзудаги яъни атроф-муҳитга оид сўзлардан фойдаланишлари мумкин [6].

“Role-play” машқлари, ўқувчиларнинг ўз фикрларини баён этишда, тил ўрганишдаги қийинчиликларни бартараф этишга ва энг асосийси уларнинг мотивациясини, яъни ўзларига бўлган ишончларини оширишга кўмаклашади.

Чет тилини ўргатиш мураккаб ва масъулиятли вазифа эканлигига хар бир педагог ўз иш тажрибасида дуч келади. Айнан шу қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини излай бошлайди ва ўқувчиларнинг тилга бўлган қизиқиш ва қобилиятларини янада ошириш истаги пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг тилга бўлган қизиқишларининг ўзигина тилни ўрганишларига кўмаклаша олмайди. Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳаракатлантирувчи куч бу мотивация эканлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чет тилини ўрганишдаги мотивация, ўз ичига мақсад, шижоат, хоҳиш ва муносабатни қамраб олганлиги туфайли, у барча муваффақиятларнинг калитидир. Чет тилини ўрганишда мотивацияси кучли ўқувчи шак-шубҳасиз мотивацияси кучли бўлмаган ўқувчига қараганда тилни тезроқ, осонроқ ва самаралироқ ўрганади. Демак, мотивацияни чет тилини самарали ўқитишдаги асосий омиллардан бири ва у дарс жараёнида муҳим роль ўйнайди деб атасак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.



Адабиётлар

1. Jalolov J.J. Chet til o`qitish metodikasi.” O`qituvchi”,- Toshkent: 2012.
2. Дистервег А. Хрестоматия по истории педагогики. – Минск: Высшая школа, 1971.
3. Корсак Н.В. Учебно-методический комплекс по учебной дисциплине “Психология усвоения иностранных языков”. - Гомель, 2017.
4. Рахманов И.В. Основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX-XX вв. - М.: Педагогика, 1972.
5. Bencharef S. The teacher as a motivational factor in enhancing students' communicative proficiency. Master`s Dissertation, University of Biskra, 2009.
6. Benzahra N. The role of intrinsic motivation in developing the students` speaking skill. Master`s Dissertation, University of Biskra, 2013.
7. Dolly J.Y. Creating a low-anxiety classroom environment: What does language anxiety research suggest? The Modern Language Journal, Vol.75, No.4 (Winter,1991), pp. 426-439.
8. Joanne C., Stephen S. Literature in the language classroom. Cambridge University Press, Cambridge, 1987.

Ахмедова Г. Роль мотивации в процессе обучения иностранного языка. В статье рассматривается роль мотивации в обучении иностранного языка. Представлены виды мотивации, оказывающие влияние на успешное достижения результатов обучения.

Ahmedova G. The role of motivation in the process of teaching a foreign language. The article discusses the role of motivation in teaching a foreign language. The types of motivation that influence the successful achievement of teaching are presented.